

Ким хато қилиб дарров тавба қилса...



17:45 / 22.12.2022 1709

Имом Заҳабий ўзининг «Сияру аъломин нубало» китобида Али ибн Абу Тийбнинг таржимаи ҳолини зикр қилиб қуйидагиларни айтади:

«Фақиҳ Абу Тийбни султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳузурига ваъз айтиш учун олиб киришди. У султоннинг ҳузурига киргач, унинг изнисиз ўтирди ва ундан рухсатсиз гапира бошлади. Султон бундан ғазабланди ва ўзининг бир ходимини уни уришга амр қилди. Ходим Абу Тийбга бир мушт туширди. Атрофдагилар султонга Абу Тийбнинг олим ва фақиҳлигини айтишди. Султон ундан узр сўраб унга пул беришларини айтди. Аммо Абу Тийб пулни қабул қилмади.

Султон унга деди:

- Эй шайх! Султоннинг ўзига яраша қудрати, нуфузи ва ҳурмати бўлади. Султон сиёсатга муҳтож бўлади. Сен мана шу чегарани бузиб ўтиб кетдинг. Энди мендан рози бўл!

Абу Тийб деди:

- Аллоҳ бизнинг орамиздаги воқеани кузатиб турибди. Сиз мени ваъз учун, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини тинглаш учун, хушў учун чақиртирдингиз. Сиёсий қонунларни жорий қилиш учун чақиртирмадингиз!

Султон Маҳмуд Ғазнавий хижолат бўлди. Ўрнидан туриб олимнинг бошидан ўпиб кечирим сўради!»

Имом Заҳабий айтади:

«Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг жиҳоддаги обрўси жуда баланд эди. У жуда кўп жойларни фатҳ қилган. Ҳинд диёрини фатҳ қилган. Шунингдек,

хатолари ҳам майда камчиликлари ҳам бўлган. Юқорида биттасини кўрдик. Аммо у шундай бўлса-да, узр сўради.

Аллоҳдан мутакаббир ва золимлардан сақлашини сўраймиз!

Гоҳида инсон ўз аслига хилоф қилиб турар эканда. Али ибн Жаҳмнинг ажойиб гапи бор:

«Сени ҳамма хислатлари рози қиладиган киши дунёда йўқ. Кишининг саноқли айблари бўлиши аслзода эканлигига кифоядир!»

Гоҳида инсон ўзига қарши иш қилиб қўйиши бор нарса. Одатда гапирмайдиган гапини гапириб қўяди. Одатда қилмайдиган ишини қилиб қўяди.

Олийжаноб инсоннинг хатосини, тойилишини кечиримиз ҳам адолатдандир. Усули фикҳда «Сув кўп бўлса нажосат унга таъсир қилмайди», деган қоида бор.

Шунга кўра асли тоза инсонлар узр сўрашни биладилар. Ифлослар кибр қилишади, узр сўрашни билишмайди!

Мусо алайҳиссалом ғазабланганда қўлидаги Таврот тушиб кетган. Аммо ғазаби босилгач, биринчи қилган иши Тавротни ердан олиш бўлган!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ғазотда Савод ибн Ғазийя сафдан бироз олдинга чиқиб турганида унинг қорнига қўлларидаги таёқча билан туртиб текис туришини айтдилар. Савод қорнини оғриганини айтганида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дарров қоринларини очиб ўша таёқчани Саводга бериб қасос олишини айтдилар!

Ким хато қилиб дарров тавба қилса Одам алайҳиссаломдан унда бир нарса бор!

Ким хато қилса ва мутакаббирлик қилиб қайтмаса унда Иблисдан нимадир бор!